

## Бернард Шоу: «Муҳаммад алайҳиссалом инсоният халоскори»



17:30 / 29.12.2018 5686

1950 йилда вафот этган Бернард Шоу ўлимидан бир муддат аввал дунё бўйлаб саёҳатга чиқди. Бомбейдан ўтаётиб «Зе Лайт» газетаси унинг «Исломлашиш» таъбири билан нима демоқчи эканини билиш учун унга мурожаат қилди. Бернард Шоу "Зе Лайт" газетаси мухбирига шундай деди:

*«Ҳайрат берувчи қувватга эга бўлгани учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи в асаллам динига нисбатан анчадан бери чуқур ҳурмат билан қарайман.*

*Менга шундай туюладики, Ислом дини тинмай ўзгараётган ҳаётнинг турли лавҳаларига ва ҳар даврга мос келадиган фикрлари бор ягона диндир. Мендек машҳур кишиларнинг келажак ҳақидаги фикр ва тушунчаларига аҳамият бериш керак. Мен Исломиятни эртанги Оврўпа қабул қилишини*

*сўйладим. Ўрта асрдаги черков ўз ҳасадлари ва жоҳилликлари сабабли Исломиятни қора ранглар билан тасвирлади. Улар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ва унинг динидан ҳам нафратланиш руҳида тарбияландилар. Уларнинг наздида Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам «Антихрист» (Исонинг душмани) эмиш.*

*Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам!.. Бу фавқулодда инсоннинг ажойиб ҳаётини ўргандим. У Исо душмани эмас, балки бутун инсониятнинг қутқарувчисидир. Агар унга ўхшаган бирор инсон бугунги дунёнинг бошқарувини қўлига олса, аниқ ишонаманки, инсониятни тинчлик ва саодатга элтади.*

*Кези келганда айтишимиз керакки, ўн тўққизинчи юз йилда Чарлиле, Гёте ва Гиббон каби олим ва ёзувчилар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам динида ҳақиқий қиймат кўрдилар. Шу зайлда Оврўпа Исломиятга нисбатан бошқачароқ муносабат билдира бошлади. Бугунги Оврўпа бу йўлда яна-да олдинга бормоқда. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам динига ошиқ бўлмоқдалар. Келажак асрда бундан илгарилаб кетади. Оврўпа барча муаммо ва дардларидан қутулиш учун бу диннинг қандай муҳим восита эканини билади. Менинг тушунчамнинг мана шу жиҳатини англашингиз керак. Ҳозирда ҳам менинг ватандошларим ва бошқа оврўпалик бир қанча кишилар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динини қабул қилдилар. «Исломлашиш» таъбирининг моҳияти нимада эканлигини, ўйлайманки изоҳлай олдим».*

### **Бернард шоу дейдики...**

- Черковлар оддийлик ва содда кўнгилли бўлишни маслаҳат беришади, аммо унга ўзлари ҳам амал қилишлари керак...
- Эътиқод бўлмаган жойда мунофиқлик бўлади, билим бўлмаган жойда билимсизликнинг бўлади.
- Ҳеч нарсани билмагач, гапириш қандай осон...
- Қул каби ўстирилганлар фақат қул каби бошқарилади.
- Ўз тилини билмаган одам бошқа тилни ўрганолмайди.
- Аслида модалар уюштирилган юқумли касалликдир. Бу сотувчиларнинг юқумли касаллик тарқатишини исботлайди...

■ Ёшлигимда қилган ўн нарсамдан тўққизтасини муваффақиятсизлик билан якунланганини кўрдим. Муваффақиятсиз бўлишни истамадим ва шунинг учун мен ўн баробар кўпроқ ишладим.

■ Ноэл жирканч мавзу; ачинмаслик туйғуси ва очкўзлик билан боғлиқ мавзу; мастлик ва сарсарилик, ёмонлик ва тиланчилик, ёлғончилик ва ифлослик, куфр билан боғлиқ ахлоққа зид мавзу. Ноэл истаксиз ва зериккан жамиятга катта дўкон эгалари ва газета, телевидениялар томонидан мажбуран қабул қилдирилган мавзу...